

**Inspector of the Jizzakh regional administration
of the Bureau of Compulsory Enforcement, 1st level
lawyer Israilov Sardor Isoq o'g'li**

**INCREASING THE LEGAL AWARENESS AND CULTURE OF
YOUTH IN SOCIETY IS AN IMPORTANT TASK.**

Annotation: In this article, there are opinions on the actual issues of increasing the legal consciousness and legal culture of the population, further improving legal literacy.

Key words: Legal consciousness, legal culture, legal immunity, legal knowledge, right and duty, honesty and purity, democratic renewal, rule of law, strategy of actions, strategy of development, legal system, legislation.

**Majburiy ijro byurosi Jizzax viloyat
boshqarmasi inspektori 1-darajali yurist
Isroilov Sardor Isoq o'g'li**

**ЖАМИЯТДА ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОНГИ ВА
МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ-ДОЛЗАРБ ВАЗИФА.**

Аннотация: Мазкур мақолада аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқий саводхонлиги янада юксалтиришнинг долзарб масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар юритилади.

Калит сўзлар: Ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий иммунитет, ҳуқуқий билим, ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик, демократик янгиланиш, қонун устуворлиги, Ҳаракатлар стратегияси, Тараққиёт стратегияси, суд-ҳуқуқ тизими, қонун ҳужжатлари.

Биз жамиятимизда шундай ҳуқуқий маданиятни шакллантиришимиз керакки, унга мувофиқ Конституция ва қонунларга амал қилиш, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш мажбурият эмас, балки кундалик ҳаётда ва одатга айланиши шарт.

Ш.М.Мирзиёев.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти куришнинг муҳим шартларидан бири шахснинг асосий ҳуқуқ ва

эркинликлари таъминлаш ва ҳар бир инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг амалий кафолатлари тизимини яратилганлигидир. Ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва жамият тараққиётининг ривожини, ўсиб келатган авлоднинг таълим даражасининг, ҳуқуқий саводхонлигининг юқорилигига боғлиқдир.

Президентимиз Ш.Мирзиёев мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг мазмун-моҳиятига Янги Ўзбекистон стратегияси китобида тўхталар экан: Кейинги йилларда жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган ва тадрижий тарзда амалга оширилган ижтимоий-сиёсий янгиланишлар натижасида ҳалқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ўзгариши билан бирга, бошқарув маъмурлари ва мулозимларининг иш услублари, фаолият йўналишлари ҳам янгича сифат ва замонавий мазмун касб эта бошлади, деб алоҳида таъкидлайди.

Давлат аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, аҳолини, айниқса, ёшларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича мустақкам ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш билан шуғулланади.

Хусусан, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаяпти. Узоқ йиллар давомида бу масала ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат органларининг иши сифатида қараб келиниб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки етарлича таъминланмаган.

Ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотиш ишига комплекс тарзда ёндашилмади.

Аҳолининг ҳуқуқий билимларини оширишга доир вазифаларнинг умумий тусда белгиланганлиги ҳамда уларни амалга оширишнинг аниқ таъсирчан механизми мавжуд эмаслиги жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларнинг самарасиз олиб борилаётганлигини

кўрсатади.

Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини аҳоли онгига сингдириш ишларининг етарли олиб борилмаслиги ҳам қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Аҳолининг ҳуқуқий билимлари етарли эмаслиги, шунингдек, давлат органларининг қонунга хилоф қарорлари устидан судга шикоят қилиш имкониятидан деярли фойдаланмаслиги мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилиши ҳолатларининг вужудга келишига сабаб бўлмоқда.

Қуйидагилар жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

- ёш авлод онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини чуқур сингдириб бориш, Конституциянинг муҳим жиҳатларини уларга болалигидан бошлаб ўргатиш;

- аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича ҳуқуқий-маърифий тадбирларни халқимиз тарихи, дини, миллий қадриятларини ўргатиш билан уйғун ҳолда ташкил қилиш, шунингдек, ҳар бир фуқарода давлат рамзлари билан фахрланиш туйғуларини шакллантириш орқали мамлакатга дахлдорлик, ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш;

- давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириб бориш, уларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан мурасасизлик муносабатини шакллантириш;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг манзилли ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш борасидаги ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва бошқалар. Аҳолининг ҳуқуқий билимларини оширишга доир вазифаларнинг умумий тусда белгиланганлиги ҳамда уларни амалга оширишнинг аниқ таъсирчан механизми мавжуд эмаслиги жамиятда

ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларнинг самарасиз олиб борилаётганлигини кўрсатади.

Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини аҳоли онгига сингдириш ишларининг етарли олиб борилмаслиги ҳам қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Аҳолининг ҳуқуқий билимлари етарли эмаслиги, шунингдек, давлат органларининг қонунга хилоф қарорлари устидан судга шикоят қилиш имкониятидан деярли фойдаланмаслиги мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилиши ҳолатларининг вужудга келишига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, ҳозирги глобаллашув, илмий-техник тараққиёт даврида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг инновацион усулларида, тарғиботнинг илғор ва таъсирчан воситаларидан, хорижий давлатларнинг бу борадаги ижобий тажрибаларидан етарли даражада фойдаланилмапти”.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон Фармонининг биринчи иловаси билан “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш” Концепцияси янада қабул қилиниши аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда ҳуқуқий билимларини ошириб боришнинг замонавий усуллари жорий этиш, шунингдек, аҳолини, айниқса, ёшларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий иммунитетни шакллантиришга қаратилган мақсадларга эришишда муҳим ҳуқуқий ҳужжат сифатида жамият тараққиётига хизмат қилади.

Мамлакатимизда демократик янгиланиш жараёнида ёшларнинг ҳуқуқий

ва маънавий билимларини изчил шакллантириш асосида эркин фикрлаш ва мустақил иш юритишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшлар фаолиятини ҳар томонлама ташкилий-ҳуқуқий ҳамда моддий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш масалаларига давлат алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистонда кейинги икки йилда шиддат билан амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган ижобий ютуқларга эришилганлиги - кўп жиҳатдан Президентимиз Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан жамиятни тараққий эттиришга қаратилган қонунчилик негизи ислоҳотлар талабларига мувофиқ қонун ижодкорлиги асосида такомиллаштирилган ҳолда демократик ўзгаришларни ҳуқуқи негизи пухта ишлаб чиқилганлиги ва ҳаётга ҳуқуқ таъсирида қонун устуворлиги асосида тадбиқ этилаётганлигида намоён бўлмоқда.

Албатта, давлатнинг бош ислоҳотчи сифатида мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни куриш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида аҳолининг айниқса келажагимиз бўлган ёшларнинг иштирокини таъминлашда уларнинг ҳуқуқий маданият даражасини юксалтириш масаласи жамият тараққиётида ғоят муҳим масала ҳисобланади.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган бугунги кунда дунё тан олган Ҳаракатлар стратегияси ва Тараққиёт стратегияси асосида қонунчиликни такомиллаштириш Асосий Қонунимизга тегишли ўзгартиришларни киритилиши ҳамда республикаимизда амалга оширилган ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий ва маърифий ислоҳотларни самарали бўлишида Ҳаракатлар стратегияси ва Тараққиёт стратегияси ғоят, ноёб ҳуқуқий ҳужжат сифатида жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалишига хизмат қилганлигини эътироф этиш лозим. Шу сабабли ҳам кейинги икки йилда қабул қилинган қонунлар халқимизнинг бебаҳо маънавий ва маърифий мулки ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг ҳуқуқий асоси ва муҳим омили ҳисобланади.

Ривожланган давлатларни тарақиёт йўлига назар солинганда ҳуқуқий давлат ҳокимиятининг самарадорлиги-бевосита фуқаролик жамиятида қонун устуворлигини етук ҳаракатда бўлишини таъминлаган ҳуқуқий тизим фаолиятида ҳуқуқий маданиятни ривожланганлигини кўрамиз.

Тарақиётнинг ҳозирги босқичида мамлакатимизнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳаётида юз берган ижобий ўзгаришлар миллий иқтисодиётни модернизациялаш асосида жамиятни янгиланиш жараёнларига асос солди.

Мамлакатимизда жамият-шахс ва давлат ўртасидаги муносабатлар ҳуқуқий муносабат сифатида тартибга солинишида бевосита ҳуқуқий маданият тинчлик ва осайишталикни, миллий бағрикенгликни, миллатлараро тотувликни ҳамда ҳуқуқий давлатчилик муносабатларини ривожлантириш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга хизмат қилганлигини қайд этиш лозим.

Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида давлат ва инсон жамият ва шахс ўртасидаги муносабатларни шакллантиришда инсон ҳуқуқларини ҳар жиҳатдан қафолатлаш, жумладан демократия ва ижтимоий адолатга содиқлик, фуқароларнинг тинчлиги, миллатлараро тотувликни таъминлаш масалалари бевосита амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни бош мақсади сифатида қонунчиликда мустаҳкамланганлиги ва ислоҳотлар ҳаётга босқичма-босқич изчил тадбиқ этилганлиги натижасида бугунги кунда жамиятимиз барқарор ривожланишга эришди, иқтисодий ўсишни таъминлаш орқали давлат ва жамият равнақи таъминланди.

Мамлакатимиз парламенти томонидан Конституциямизнинг асосий принциплари ва конституцион нормалар негизида қабул қилинган қонунлар ҳамда Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг раҳномалигида ишлаб чиқилган концепция ва дастурларга асосан бевосита амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ижроси қонунлар таъсирида таъминланганлиги мамлакатимиз бугунги кунда кўпчилик давлатлар ҳавас қиладиган даражада ижобий ютуқларга эришиш имкониятини яратди.

Айни пайтда, ривожланган ва ривожланиб бораётган мамлакатларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг асоратлари ва оқибатлари ҳал этилмаётган бир пайтда республикамиз миллий иқтисодиётида кейинги икки йилда кўплаб инвестиция лойиҳаларини амалга оширилиши натижасида иқтисодий ўсишга эришилганлиги ҳамда мамлакатимизда тинчлик, тотувлик, осайишталик ҳамда диний ва инсоний бағрикенглик таъминланганлигини бугунги таҳликали дунё тан олиб, Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида белгилаб олган мустақил тараққиёт йўли нақадар тўғри эканлигини нафақат халқимиз, балки, хориж давлатлари раҳбарлари ҳамда чет эллик экспертлар томонидан тараққиётга эришишнинг илмий ва амалий жиҳатларини ҳавас билан ўрганаётганлигини катта ғурур билан қайд этиш лозим. Бундан ташқари, Президентимиз раҳномалигида кейинги икки йилда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан босқичма-босқич инсонпарварлик - ҳуқуқпарварлик фалсафасига асосланган ислоҳотлар ҳар бир шахснинг Асосий қонунимизда белгиланган ҳуқуқ ва бурчларини таъминлаш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга асосланган давлат сиёсатини юритилиши натижасида жамиятда адолат тамойилларига асосланган моддий ва процессуал нормаларни янада такомиллаштириш воситасида қонун устуворлигини таъминланиши орқали республикамиз тараққиёт ва фарвонлик сари дадил қадамлар билан буюк келажак сари бораётганлигини нафақат фуқароларимиз, балки чет давлат жамоат арбоблари, олимлари томонидан эътироф этилаётганлиги ҳар бир фуқаромиз қалбида мустақилликдан фахрланиш, озод ва обод Ватанни янада обод ҳамда фарвон қилиш мақсадида яшаш туйғуси тобора ошиб бораётганлигида кузатиш мумкин.

Қолаверса, қонун ҳужжатларини аҳолига етказадиган веб-сайтлар номи ҳам ўзбек тилида, қисқа жумлада ифодаланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Масалан, ҳозир амалдаги Ўзбекистон Республикаси норматив ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали - www.regulation.gov.uz номи балки мутахассислар учун, зиёлилар учун тушунарлидир, аммо оддий

фукаролар учун эса қоларли, дейиш қийин. Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисми ўзбек тилида сўзлашишини инобатга олган ҳолда бу каби оммавий интерактив порталлар ўзбекча номланса, улар барчага тушунарли бўлади, деган фикрдамиз.

Шу жумладан, Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясига биноан ташкил этилган аҳолига бепул маслаҳат бериш порталлини ўз ичига олган ҳуқуқий ахборот тизими номини (www.ochiqfikrim.uz) номи аҳолининг кенг қатлами, айниқса, ёшлар орасида кенг оммалашгани мисол бўла олади. Шундай экан, ўзбек тилидаги веб-сайтлар номининг инглизча бўлишига асло ҳожат йўқ. Бошқача айтганда, ушбу сайтларда ҳуқуқий мавзуда берилган ахборот, тушунтиришларни кўпчиликнинг ўқиши маълум даражада ана шу омил билан ҳам боғлиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, фармонда белгилаб берилган жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги муҳим йўналиш ва вазифаларни ўз вақтида амалга ошириш биз, ҳуқуқшунос ва зиёлилардан масъулият ва фидойиликни талаб этади. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гаровидир".

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент.: Ўзбекистон, 2021. 82 бет.
2. Ҳуқуқий онг юксалса, жамият тараққиётига йўл очилади-Ф.Эшонқулов/"Адолат" ижтимоий сиёсий газетаси №7 /2019.
3. <https://lex.uz/ru/docs/4149765>
4. <https://lex.uz/docs/5841063>
5. <https://regulation.adliya.uz/>